

Мамлакатимиз ҳаётида юз кўрсатаётган юксак ўзгаришларнинг барчаси ягона мақсад — ҳар томонлама ривожланган демократик ҳуқуқий давлат ва эркин фуқаролик жамиятини барпо этишга, тараққиётнинг "Ўзбек модели" ҳуқуқий пойдеворининг изчиллиги ва барқарорлигини мустаҳкамлашга қаратилганлиги билан алоҳида диққатга сазовордир.



БУЮК МАҚСАДЛАРИМИЗНИНГ МУСТАҲКАМ ПОЙДЕВОРИ



Бу эса, бир томондан, Асосий қонуимиз бугунги ва эртанги тараққиёт йўлимизнинг бош ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганлигини кўрсатса,

бошқа томондан, Конституция-мизнинг яшовчанлиги, тараққиёт билан узвий ҳамжиҳатлиги, халқаро ҳуқуқнинг умум-эътироф этилган тамойилла-

ри ва нормалари билан ҳам-ҳанглиги, унинг халқчил қомус эканлигидан далолат беради.

Шу нуқтаи назардан қараганда, ўтган давр мобайнида миллий давлатчилик тарихимиз ва жаҳон конституцияшунослик назарияси ва амалиётининг илгор демократик сиёсий-ҳуқуқий ғоялари ва тажрибаси билан йўғрилган ўзимизга хос "Ўзбек конституцияшунослик мактаби"ни яратдик десак, асло му-болага бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари томонидан тақдим этилган мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепцияси асосида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига, таъбир жоиз

бўлса, мустақил тараққиёт йўлимизда ўзига хос муҳим саҳифа очган ўзгариш ва қўшимчаларнинг киритилган-лиги Асосий қонуимизнинг замон талаблари ва тараққи-ёти билан ҳамҳанглигини, унинг чинакам халқчиллигини яна бир бор намоён этди.

Шуни айтиш керакки, Асосий қонуимизда оила институтига алоҳида эътибор берилган. Унинг 63-моддасида "Оила жамиятнинг асосий бўғинидир ҳамда жамият ва давлат муҳофазасида бўлиш ҳуқуқига эга" экани мустаҳкамланган. Бу юртимизда соғлом оилаларни шакллантириш борасида кенг қўламли ислохотлар амалга оширилишига кенг йўл очди.

Зотан, бугунги кунда мам-

лакатимизда амалга ошири-лаётган барча соҳадаги эзгу ислохотларнинг туб мазмун-моҳияти ва мақсади, аввал-лабор, юртимизнинг кела-жаги бўлган оилаларнинг ҳар томонлама баркамол ва маъ-нан юксак бўлишига эришиш-га қаратилгандир.


Жамиятимизда фуқаролар-нинг оилавий муносабатлар-ни шакллантиришга бўлган жавобгарлик ҳиссини оши-риш ва пировардида эрта тур-муш қуришнинг олдини олиш бўйича Маъмурий жавобгар-лик тўғрисидаги кодексга, Жиноят кодексига, Фуқаролик процессуал кодексига ҳамда Оила кодексига бир қатор ўзгариш ва қўшимчалар ки-ритилди.

(Давоми тўртинчи бетда)

18-noyabr — O'zbekiston Respublikasi Davlat bayrog'i qabul qilingan kun

Байроғимиз — фахримиз, ғуруримиз!

Давлат рамзлари ҳамиша муқаддас ва улуғ саналади. Чунки у халқнинг ўтмиши, бугуни ва келажагини ўзида мужассам этган Ватаннинг ёрқин тимсолидир.



Ўзбекистонимиз истик-лолга эришгач, энг аввало, давлатимиз рамзлари тас-диқланди. 1991 йил 18 но-ябрь халқимиз ёдида ўчмас ва кутлуг сана бўлиб қолди. Шу куни Президентимиз Ислоҳ Каримов "Ўзбеки-стон Республикасининг Давлат байроғи тўғриси-да"ги қонунга имзо чеқди. Ўтган давр мобайнида ҳур диёримизнинг муқаддас байроғи жаҳон узра мағрур хилпираб турибди. Яқинда байроғимиз қабул қилин-ганлигининг 22 йиллигини қарши оламиз. Ушбу сана олдиан Олий Мажлис

Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва хавфсизлик ма-салалари қўмитаси раиси Қодир Жўраев давлатимиз байроғи мазмун-моҳияти, ижтимоий-сиёсий фалсафа-си ҳақида қуйидагиларни гапириб берди.

— Президентимиз Ислоҳ Каримов "Миллий тимсол-лар ва рамзларнинг ҳар бири миллий ғуруримизни юксалтиришга хизмат қилади. Уларнинг ҳар бири катта бир дарслик. Кучли тарбия воситаси-дир", дея таъкидлаган эди-лар.

(Давоми учинчи бетда)

Qonun ijodkorligi

Экология қонунчилиги

бу борада ҳуқуқий асослар такомиллаштирилмоқда



Мамлакатимизда агроф-муҳит муҳофазаси, табиий ресурслардан оқилона фойдаланишга доимий эътибор қаратиб келинмоқда. Экологик хавфсизликни таъминлаш борасида йигирмадан ортиқ қонун, юзлаб қонуности ҳуқуқий-норматив ҳужжатлар қабул қилингани ҳам шу мақсадга хизмат қилмоқда.

(Давоми учинчи бетда)

Islohot va samara

Жамоатчилик назорати

уни амалга оширишнинг самарали ҳуқуқий механизми

Мамлакатимизда истиқлолнинг ўтган даврида фуқаролик институтларини ривожлантириш ва унинг жамият тараққиётида фаол иштирок этиши учун зарур ҳуқуқий асосларни яратиш борасида салмоқли ишлар амалга оширилди.

Зеро, давлатимиз раҳбари таъкидлаганидек, фуқаролик институтлари, нодавлат но-ти-жорат ташкилотлари ҳозирги кунда демократик кадриятлар, инсон ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда қонуний манфаатлари-ни ҳимоя қилишнинг муҳим омилига айланмоқда, фуқаро-ларнинг ўз салоҳиятларини рўёбга чиқариши, уларнинг ижтимоий, социал-иқтисодий фаоллиги ва ҳуқуқий мадани-ятини ошириш учун шароит яратмоқда, жамиятда манфа-атлар мувозанатини таъмин-лашга қўмақлашмоқда.

(Давоми иккинчи бетда)

Жиноят ва фуқаролик ишлари жараёнида тортишув: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманида "Жиноят ва фуқаролик ишлари жараёнида тортишув: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт" мавзусида амалий семинар бўлиб ўтди.

Семинар Ўзбекистон Республикаси Олий суди ҳузуридаги Суд қонунчилигини демократлаштириш ва либераллаштириш ҳамда суд тизими мустақиллигини таъмин-лаш бўйича тадқиқот маркази то-монидан "Минтақавий мулоқот" хал-қаро нодавлат ташкилоти (Слове-ния) билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда мамлакатимиз Олий суди, Бош прокуратураси, Ички

ишлар вазириликнинг масъул ходимлари, жиноят ва фуқаролик иш-лари бўйича вилоят судлари судьялари, адвокатлар, ҳуқуқшунос олимлар, шуниқдек, АҚШ судьялар корпуси ва адвокатураси вакиллари, словениялик экспертлар ишти-рок этди.

Истиқлол йилларида Ўзбекистон-да суд ҳокимиятини босқичма-бос-қич мустаҳкамлаш, судлар муста-

қиллигини таъминлашга доир таш-килий-ҳуқуқий комплекс чора-тад-бирлар амалга оширилгани таъ-кидланди. Судлар ихтисослашти-рилиб, "Судлар тўғрисида"ги қонун янги тахрирда қабул қилин-ди, жиноят-процессуал, фуқаролик-процессуал қонунчилигига тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритил-ди, ҳокимиятлар бўлинишига оид конституциявий принципни амал-

га ошириш мақсадида суд тизими ижро этувчи ҳокимият органлари назорати ва таъсиридан чиқарил-ди. 2008 йилнинг 1 январидан мам-лакатимизда ўлим жазосининг бе-кор қилиниши ва қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқининг судлар-га ўтказилиши суд-ҳуқуқ соҳасини ислоҳ қилишдаги улкан ўзгариш бўлди.

(Давоми иккинчи бетда)

Fuqarolik qonunchiligi

Маънавий зарар

у қандай тартибда ундирилади?

Мамлакатимизда инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини таъминлаш ҳамда ҳимоя қилиш давлатимиз қурилиши, шуниқдек, ички ва ташқи сиёсатимизнинг энг асосий йўналиши этиб белгиланган.

Асосий қонуимизда Ўзбекистон Республикаси-да демократия умуминсон-ний принципларга асосла-нади, уларга кўра инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги,

шаъни, қадр-қиммати ва бошқа дахлсиз ҳуқуқлари олий қадрият ҳисоблани-ши алоҳида қайд этилган.

(Давоми учинчи бетда)

Мамлакатимиз суд-ҳуқуқ тизимида амалга оширилган ислохотлар натижасида фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш кафолатлари жиддий тарзда кучайтирилади. Бунда ушбу кафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича зарур чора-тадбирлар амалга оширилаётгани муҳим аҳамият касб этмоқда.

Бу жараёнда кассация инстанцияси ислоҳ қили-ниб, суд ишларини кўришнинг апелляция тартиби жорий этилгани

Qonun ko'magi

Суд орқали ҳимоя қилиш кафолатлари

ҳам муҳим янгилик бўлди. Апелляция институтининг жорий этилиши юқори босқич судлари томони-дан суд қарорлари, шико-ят ва протест важдларини ҳар томонлама текшириш, қўшимча далил, ҳужжат

ва ҳолатларга баҳо бериш имкониятларини яратиб, фуқароларнинг ҳуқуқла-рини ҳимоя қилиш кафо-латлари янада кучайти-рилди.

(Давоми иккинчи бетда)

Islahot va samara

Жамоатчилик назорати

уни амалга оширишнинг самарали ҳуқуқий механизми

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Миллий қонунчилигимизга мувофиқ, фуқаролик жамиятининг асосий институтлари қаторига фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, сийёсий партиялар, оммавий ахборот воситалари, касаба уюмлари ва жамоат фондлари, нодавлат нотижорат ташкилотлар кирди. Утган даврда мазкур институтларни бошқариш бўлимида кўламли ислохотлар амалга оширилди. Энг муҳими, бу борада мустақам ҳуқуқий ва ташкилий асослар яратилди. Жумладан, мамлакатимизни демократик янгилаш жараёнида фуқаролик институтларини ривожлантиришга қаратилган 200 дан ортиқ қонун ҳужжатлари қабул қилинди.

Айтиш керакки, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш Концепциясида фуқаролик жамияти институтларини янада ривожлантиришга эришиш, амалга ошириладиган ислохотларнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги, "Экологик назорат тўғрисида"ги ва бошқа қатор қонунларни қабул қилиш зарурати алоҳида таъкидланган.

Бинобарин, "Ижтимоий шериклик тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши ижтимоий-иқтисодий дастурларини амалга оширишда, мамлакат аҳолиси турли қатламларнинг ҳуқуқ, эркинликлари ва манфаатларини ҳимоя қилишда нодавлат нотижорат ташкилотларнинг давлат ҳокимияти органлари билан ўзаро ҳамкорлигини таъминлашда муҳим ҳуқуқий асос яратди.

Маълумки, давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари фаолияти устидан кучли жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши фуқаролик жамияти барпо этишининг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонуннинг қабул қилиниши бу борада муҳим аҳамият касб этиб, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизмининг яратилишига ҳизмат қилади.

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида давлат ҳокимияти ва бошқаруви органларининг фаолияти устидан жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ҳуқуқий механизмининг яратилиши мақсадида "Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида"ги қонунга тегишли ўзгариш ва қўшимчалар киритиш таклифи илгари сурилган эди. Янги тахрирда мазкур қонун 2013 йил 23 апрелда матбуотда эълон қилинди ва шу кундан эътиборан кучга кирди.

Мазкур қонунга киритилган энг муҳим янгиликлардан бири фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан жамоатчилик назоратининг амалга оширилиши билан боғлиқ эканлигини алоҳида таъкидлаш лозим. Унда жамоатчилик назорати фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари томонидан тегишли ҳудудда қонунлар ва бошқа қонун ҳужжатларининг ижро этилиши ҳолатини ўрганиш; тегишли чоралар кўриши учун давлат органларига мурожаат этиш; давлат органлари ваколатига кирувчи ва ижтимоий аҳамиятга молик масалалар бўйича сўровлар юбориш ҳамда қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа шаклларида ҳам амалга оширилиши мумкинлиги баён этилди (қонуннинг 16-моддаси).

Этиборли жиҳати шундаки, ушбу моддага мувофиқ жамоатчилик назорати оммавий ахборот воситалари, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар билан давлат органлари фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига жамоатчилик назоратини амалга оширишда кўмаклашиши ва қонун ҳужжатларига мувофиқ уларнинг мурожаатлари юзасидан ўз вақтида чора-тадбирлар кўришига оид нормалар ҳам мустақам қилинди.

Янги тахрирдаги қонуннинг 5-моддаси бевосита фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятининг асосий принципларига бағишланган бўлиб, ушбу моддада ижтимоий шериклик принциплари алоҳида эътибор берилган. Ушбу принцип, ўз навбатида, мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш жараёнида гуманитар муаммоларни ҳал этиш, мамлакатимиз аҳолиси турли қатламларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари ҳамда манфаатларини ҳимоя қилишда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари, фуқаролик жамияти институтлари ва нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий ҳамкорлик қилишда муҳим аҳамият касб этади. Зеро, мазкур принцип фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларининг янада ривожланишига, амалга ошириладиган ислохотларимизнинг очик-ошкоралиги ва самарадорлигини таъминлашда, уларнинг ролини кучайтиришга ҳизмат қилади.

Мухтасар қилиб айтганда, мазкур меъёрлар жамиятда жамоатчилик назоратини амалга оширишнинг самарали ҳуқуқий механизми бўлиб ҳизмат қилмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга мамлакатимиз тараққиётига янада кенгроқ йўл очмоқда.

МУЗАФФАРЖОН МАМАСИДДИКОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти бўлим бошлиғи, юридик фанлари доктори

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Кассация инстанцияси ислохот қилиниб, суд ишларини қайта кўришнинг апелляция тартиби жорий этилгани инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилишнинг муҳим кафолатига айланди.

— Ўзбекистонда судларнинг ихтисослаштирилгани юксак эътирофга сазовордир, - деди Миннесота штатининг федерал округи судьяси Жон Р.Танхайм (АҚШ). - Бу ишларни ўз вақтида ва сифатли кўриб чиқишга ҳизмат қилади. Ўзбекистонда қабул қилинган қонунларга қатъий риоя этилаётгани, уларда инсонпарварлик тамойилларига устувор аҳамият берилганини алоҳида таъкидлашни истардим.

Ўзбекистонда жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида ўзаро тортишув принципининг жорий этилиши ҳам инсон ҳуқуқларини таъминлашга ҳизмат қилаётди. Бу эса адвокатура институтини тубдан ислохот қилиш, фуқароларнинг ҳимоялари ҳуқуқи кафолатларини кучайтириш самараларидандир. Зеро, кучли ва мустақил адвокатура тизими — инсон ҳуқуқлари, эркинлиги ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш механизмида биридир.

Мамлакатимизда айбловчи ва ҳимоячи тенглигини, жиноят ишлари бўйича суд фаолиятининг барча босқичларида улар ўртасида ўзаро тортишув таъминлаш, одил судлов сифатини оширишга қаратилган кенг кўламли чора-тадбирлар илгари сурилган. Адвокатура институтини таъминлашнинг муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига киритилган ўзгаришлар бугун адвокатура институтини мустақиллигини янада кучайтириш, ушбу касб нуфузини ошириш имконини бермоқда. Қонунчиликка мувофиқ, ҳимоячига жиноят иши процессининг барча босқичларида малакали юридик ёрдам кўрсатиш ҳуқуқи берилган.

Qonun ko'ragi

Суд орқали ҳимоя қилиш кафолатлари

(Давоми. Бошланиши биринчи бетда)

Шуни айтиш керакки, апелляция институти имкониятидан суд амалиётида кенг фойдаланилмоқда. Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилояти суди томонидан ҳар чоракда апелляция, кассация ва назорат инстанцияларида суд қарорларининг ўзгарилиши, бекор қилинишига оид суд амалиёти таҳлили умумлаштирилиб, вилоят суди раёсатларида муҳомада қилинди ва бу борада зарур чора-тадбирлар белги олинди.

Шу ўринда бевосита мисолларга мурожаат қилади бўлсак, даъвогар М.Ражабова ўз даъво аризасида вилоят онкология диспансери раҳбарининг у билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруғини файриқонуний деб то-

пишни, лаборант вазифасига ишга қайта тиклаш ва мажбуран бекор юрган вақти учун иш ҳақи ва маънавий зарарини ундиришни сураган. Биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори билан унинг даъво талаблари рад қилинган.

Айтиш керакки, М.Ражабованинг апелляция инстанция судига келтирган шикоятини асосида фуқаролик иши қайта кўриб чиқилди. Маълум бўлишича, М.Ражабова билан тузилган меҳнат шартномаси иш берувчининг ташаббуси билан бекор қилинган. Бунга ходимнинг узр-сиз сабаблар билан ишга келмаганлиги асос қилиб кўрсатилган.

Бироқ аслида онкология диспансери мансабдор шахслари М.Ражабовани ўз иш жойига қайтаришга рухсат беришмаган. Бу ҳолат гувоҳларнинг кўрсатмалари

билан ҳам ўз исботини топди. Шу боис М.Ражабова билан меҳнат шартномасини бекор қилиш тўғрисидаги буйруқ қонуний деб топилди, у шу муассасанинг лаборанти вазифасига ишга қайта тикланди. Мажбуран бекор юрган кунлари учун иш ҳақи ва маънавий зарар ундириш тўғрисида қарор қабул қилинди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, апелляция тартибиде иш юритиш қонуний кучга кирмаган суд қарорларини тез ва ҳар томонлама текшириш имконини беради. Шу орқали фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимояси таъминланаётгани ушбу институтнинг нечоғли муҳим ва самарадорлигини кўрсатади.

ИХТИЁР КОСИМОВ,
Фуқаролик ишлари бўйича Навоий вилоят суди раисининг ўринбосари

Мамлакатимизда инсон, унинг ҳаёти, эркинлиги, шаъни, қадр-қиммати олий қадрият эканлиги Конституциямиз ҳамда амалдаги қонунларимиз асосида кафолатлаб қўйилган. Пировардида ҳар бир фуқаро эмин-эркин яшаш, адолатли меҳнат шартнолариде ишлаш сингарини ҳуқуқларидан кенг фойдаланишга, бу турмушимизнинг ободлиги ва фаровонлигини юксалтиришга ҳизмат қилмоқда.

Бироқ ҳаётда яратилган кенг қўламли имконият ва шарт-шароитларни суистеъмол қиладиган, чиркин ва нопок қилмишга қўл уриб, мўмай даромад орттиришни кўзлайдиган кимсалар ҳам учраб туриши гоътада ачинарлидир. Шундай нопок қилмишлардан бири одам савдоси жинояти шахсининг шаъни, қадр-қиммати, осойишта турмуши ҳамда унинг келажагини жиддий ҳавф остида қолдириши билан ўта хавфли жиноят ҳисобланади.

Айтиш керакки, Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг маълумотига кўра, дунё миқёсида ҳар йили 2 миллион 700 минг нафар шахс одам савдосининг қурбонига айланмоқда. Дунё миқёсида йилига 600 мингдан

Жиноят ва фуқаролик ишлари жараёнида тортишув: Ўзбекистон тажрибаси ва халқаро амалиёт

Шу билан бирга, семинар қатнашчилари давлатимиз раҳбари томонидан илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепцияси суд-ҳуқуқ тизимини ислохот қилишда янги босқични бошлаб берганини таъкидлади. Унда қонун устуворлиги ва қонунийлиқни мустаҳкамлаш, шахс ҳуқуқи ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилишга қаратилган суд-ҳуқуқ тизимини изчил демократлаштириш ва либераллаштириш мамлакатимизни демократик янгилашнинг устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб берилган.

Концепция ижросини таъминлаш мақсадида ҳаётга татбиқ этиладиган қонунчилик ташаббуслари судлар мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, дастлабки тергов босқичида суд назоратини кучайтириш, маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни кўриб чиқишнинг процессуал механизмларини такомиллаштириш, суд-ҳуқуқ тизимини эркинлаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш имконини бермоқда.

Суд ишларини мустақил юритиш ва суд органлари ходимларининг ижтимоий мақомини ҳимоя қилиш учун зарур ҳуқуқий ҳамда ижтимоий кафолатларни кучайтириш мақсадида 2012 йил 2 августда Президентимизнинг "Суд тизими ходимларини ижтимоий муҳофаза қилишни тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида"ги

фармони қабул қилинди. Ушбу ҳужжатда судьялар жавобгарлиги, назарий ва амалий билими, малака ҳамда маҳоратини ошириш, энг муҳими, суд тизимини янгилаш фикрлайдиган ва ишлайдиган, ҳуқуқий тафаккури замон талабларига жавоб бера оладиган кадрлар билан таъминлашга оид мақсадлар ўз ифодасини топган.

Давлатимиз раҳбарининг 2012 йил 30 ноябрда қабул қилинган "Судлар фаолиятини янада такомиллаштиришга оид ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги фармонида судьяларни танлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш билан боғлиқ вазифалар белгиланган. Хусусан, судьялик лавозимига яхши тайёргарлик кўрган, юқори малакали, катта ҳаётий тажриба, бенеқсон обрў-эътиборга, ихтисослиги бўйича, авваламбор, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларда етарлича иш стажига эга бўлган кадрлар орасидан номзод танлаб олиниши зарур.

Шу муносабат билан словениялик эксперт Янез Рупар фуқаролик ва жиноят ишлари бўйича туманлараро, туман (шаҳар) судлари ҳамда ҳўжалик судлари судьяси лавозимига ўттиз ёшдан кичик бўлмаган, олий юридик маълумотли, ихтисослиги бўйича иш стажикамида беш йил бўлган Ўзбекистон Республикасининг фуқаролари тайинланишини юксак баҳолади.

Иштирокчилар айбни тан олиш ва ярашиш тўғрисидаги келишувлар масаласига алоҳида тўхтадилар. Ўзаро келишиш мумкин бўлган

ёки уюшган жиноятчилик бўйича кўриб чиқиладиган мураккаб ишларда процессуал мақсадга мувофиқлик юзага келадиган ҳолатлар ва жараёнларга алоҳида эътибор қаратилди. АҚШ амалиётининг муайян ишлар мисолида айбни тан олишга доир келишувлар ҳақидаги қоидаларни амалиётга жорий қилиш жиҳатлари, жиноий ишни судда кўриб чиқишда давлат айбловчисини қўллаб-қувватлаш билан боғлиқ муаммолар ва уларни ҳал этиш йўллари муҳокама этилди.

Семинар доирасида иштирокчилар гуруҳларга бўлиниб, сахналаштирилган суд мажлисларида судья, давлат айбловчиси (прокурор) ва ҳимоячи (адвокат) ролларида иштирок этди. Жиноят билан боғлиқ ҳолатларни амалда кўриб чиқишдан кўзланган мақсад умумий ҳуқуқ тизимидан далил-исбот стандартлари билан таништириш ва уларни ўрганиш, ҳар икки ҳуқуқий тизимда томонларнинг тортишув механизмининг қиёсий таҳлил қилишдан иборат бўлди. Айбловчи ҳимоя қилишда адвокатнинг ролига ҳам алоҳида эътибор қаратилди.

Тадбир қатнашчилари ўзаро фикр алмашиб, суд қонунчилиги, жиноят ва фуқаролик ишларини кўриб чиқиш жараёнида томонларнинг тортишув механизмининг мустаҳкамлашга доир қонунчилик базасини янада такомиллаштириш бўйича таклифлар билдирди.

Сардор ТОЖИЕВ,
ЎЗА муҳбири

Muloqot
Газетхон савол беради...
— Илтимос, қарз шартномаси ва уни расмийлаштириш тартиби ҳақида тушунча берсангиз.
О.УСМОНОВ,
Самарқанд шаҳри

— Бу саволга жавобан шуни айтиш керакки, амалдаги Фуқаролик кодексининг 732-моддасига асосан, қарз шартномаси бўйича бир тараф (қарз берувчи) иккинчи тарафга (қарз олувчи) пул ёки турга хос аломатлари билан белгиланган бошқа ашёларни мулк қилиб беради, қарз олувчи эса, қарз берувчига бир йўла ёки бўлиб-бўлиб, ўшанча суммадаги пулни ёки қарзга олинган ашёларнинг хили, сифати ва миқдорига баравар ашёларни (қарз суммасини) қайтариб бериш мажбуриятини олади.
Қарз шартномаси ёзма равишда расмийлаштирилади.
Қарз олувчи қарз берувчига қарзга олинган пуллари шартномада кўрсатилган муддат ва шартлар асосида қайтариб беришга мажбурдир.
Қарзни қайтариш муддати шартномада кўрсатилмаган тақдирда, қарзга олинган пуллар қарз берувчининг талаб қилинган кундан бошлаб ўттиз кун ичида қарз олувчи томонидан қайтариб берилиши шарт.
Фоиизсиз қарз суммаси қарз олувчи томонидан муддатидан олдин қайтарилиши мумкин. Фоииз эвазига берилган қарз суммаси, агар қарз шартномасида кўзда тутилган бўлса ёки қарз берувчининг розилиги билан, муддатидан олдин қайтарилиши мумкин.
Фоиизларни тўлаш муддати ва тартиби қарз шартномаси билан белгиланади.

Саволга Самарқанд шаҳар 1-сон Давлат нотариал идораси нотариуси З.Саидова жавоб беради.

Transmilliy jinoyatchilik

Инсон шаъни ва

янада кенгроқ йўл очмоқда. Бу эса, ўз навбатида, фуқароларнинг қонуний манфаатларини таъминлашда муҳим аҳамият касб этиши билан бирга мамлакатимиз тараққиётига янада кенгроқ йўл очмоқда.

йил 24 ноябрда қабул қилинган "Одам савдосига оид ишлар бўйича суд амалиёти тўғрисида"ги қарор муҳим ҳуқуқий асос бўлаётди.

Президентимизнинг "Одам савдосига қарши курашиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори асосида Одам савдосига қарши курашиш бўйича идоралараро Республика комиссияси ташкил этилгани юртимизда ушбу жиноятга қарши курашиш самарадорлигини оширмоқда. Одам савдосидан жабрланганларга тиббий, ҳуқуқий ёрдам кўрсатиш мақсадида ташкил этилган республика реабилитация марказининг изчил фаолияти ҳам бу фикрнинг амалий таъдиридир. Эндиликда мазкур марказ томонидан одам савдосининг чиркин домига илинган шахсларни белул

даволаш, уларга юридик ёрдам кўрсатиш сингари хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

Кези келганда яна шуни айтиш жоизки, амалда одам савдосидек қабиҳ қилмишга қўл урган кимсаларга нисбатан жазонинг муқаррарлиги таъминланмоқда. Масалан, бухоролик Жамшид Ҳасанов хоржиий давлатларнинг биринчи истекомат қилувчи укаси Ойбек Ҳасанов билан аввалдан жиноий тил бириктириб, 2012 йилнинг март ойда бир гуруҳ фуқаролар — А.Бекмуродов, Б.Файзуллаев, Ш.Ражабов, И.Мухаммаджоновларни қўшни давлатлардан бирга алдов йўли билан олиб кетади. Шундан сўнг ака-ука Ҳасановлар вақтинчалик рўйхатдан ўтказиш баҳонасида ўз ҳамшаҳарларининг фуқаролик паспортларини олиб қўйишди.

(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)

Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясига мувофиқ ишлаб чиқилган "Экологик назорат тўғрисида"ги қонун лойиҳаси соҳага оид ҳуқуқий асосларни янада такомиллаштиришга хизмат қилади. Ушбу қонун лойиҳаси жорий йилнинг 12 ноябрда Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатасида муҳокама қилингандан сўнг Олий Мажлис Сенатига юборилди.

Шу ўринда айтиш жоизки, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари томонидан жорий йилнинг июль ойида қонун лойиҳаси биринчи ўқишда қабул қилинган, ушбу қонун лойиҳаси кенг жамоатчилик муҳокамасидан ҳам ўтди. Қонунчилик палатаси Кенгашининг қарорига кўра, қонун лойиҳаси "Халқ сўзи" ва "Народное слово" газеталарида чоп этилди. Шунингдек, қонун лойиҳаси матни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Экоҳаракат ва Ўзбекистон "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати хизмати веб-сайтида жойлаштирилди.

Таъкидлаш жоизки, қонун лойиҳасини муҳокама этиш доирасида Олий Мажлиснинг Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари, манфаатдор идоралар, Экоҳаракат, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Ўзбекистон Нодавлат нотижорат ташкилотлари миллий уюшмаси, "Маҳалла" хайрия жамоат фонди ва бошқа жамоатчилик ташкилотларининг вакиллари, шунингдек, олимлар, амалиётчи мутахассислар, оммавий ахборот воситалари вакиллари иштирокида ўнлаб анжуманлар, семинарлар, давра суҳбатлари ҳамда учрашувлар ўтказилди.

Шунингдек, ушбу қонун лойиҳаси хорижий экспертлар ҳамжамияти (Япония, Германия, Италия, Франция, Бельгия каби давлатлар) вакиллари томонидан ҳам муҳокама этилди. Уларнинг таъкидлашча, чет эл амалиётида

барча турдаги экологик назоратни амалга оширишнинг процессуал механизмлари жамланган ва аниқлаштирилган ягона меъёрий ҳужжат мавжуд эмас. Шу нуқтаи

ва шарҳлар келиб тушди. Шундан энг асослилари қонун лойиҳасини қабул қилиш жараёнида инobatга олинди. Бу эса, атроф-муҳит муҳофазаси бўйича тадбир-

Айтиш керакки, миллий амалиётга жамоатчилик экологик назорати институтининг киритилган қонун лойиҳасидан ўрин олган муҳим янгилликларидан бири ҳисобланади. Бунда жамоатчилик экологик назоратининг субъектлари сифатида фуқаролик жамияти институти ташкил қилиш ва ривожлантириш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг экологик назоратни амалга ошириш, мамлакат ҳудудларидаги атроф-муҳит ва аҳоли соғлиғи соҳасидаги вазиятни мониторинг қилишдаги иштирокини янада фаоллаштириш ҳамда атроф-муҳитни муҳофаза қилиш нафақат давлат ва жамият, балки ҳар бир шахснинг вазифаси эканлигини ҳуқуқий жиҳатдан асослаб бериш имкониятини яратди.

Яна бир муҳим жиҳат шундан иборатки, ушбу қонун лойиҳаси билан фуқаролик жамияти институтига, шу жумладан, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларида Экоҳаракат билан ҳамкорликда юридик ва жисмоний шахсларнинг табиатни муҳофаза қилиш бўйича қонун ҳужжатларига риоя этишлари устидан кузатувни, фуқароларни атроф-муҳитга ва табиий ресурсларга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашни амалга ошириш ваколатлари берилган жамоатчи инспекторлар институти шакллантиришда услубий ва ташкилий-амалий ёрдам кўрсатиш ваколатлари берилмоқда ҳамда экологик назорат жамоатчи инспекторининг мақоми, унинг ҳуқуқлари белгилаб қўйилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши юртимизда экологик барқарорлиқни таъминлашга хизмат қилади. Қонун ўз навабатида, аҳоли саломатлигини, атроф-муҳит ва она табиатимизни асраб-авайлашдек эзгу ишлар йўлида ҳуқуқий замин яратди.

Олимжон ҲАСАРОВ,
Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати

Qonun ijodkorligi**Экология қонунчилиги**

бу борада ҳуқуқий асослар такомиллаштирилмоқда



назардан мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилиниши атроф-муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида энг муҳим давлат дастурларини ҳал этишда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институти самарали иштироки учун кулай имконият яратди.

Бундан ташқари қонун лойиҳасини кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказиш жараёнида уч мингдан зиёд тақлиф, фикр-мулоҳаза

ларни режалаштиришда, табиат ресурсларидан фойдаланишнинг иқтисодий воситаларини қўллашда, экологик экспертиза ўтказишда, экологик сертификатлаш ва стандартлаштиришда, экологик тоза, чиқиндисиз (кам чиқитли) технологияларни жорий этишда, қайта тикланувчи энергия манбаларидан фойдаланишда ва бошқа соҳаларда ҳуқуқий механизмларни таъкидлаш учун муҳим аҳамият касб этади.

Fuqarolik qonunchiligi**Маънавий зарар**

у қандай тартибда ундирилади?

**(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)**

Шу маънода инсон ҳуқуқларига дахл қилиш, унга ҳар қандай кўринишда зарар етказиш қонунчилигимизга мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Шу ўринда маънавий зарар тушунчасига тўхталадиган бўлсак, бунда жабрланувчига қарши содир этилган ҳуқуқбузарлик ҳаракати, ҳаракатсиз-

лиги оқибатида у бошидан кечирган маънавий ва жисмоний азоблар тушунилади.

Амалдаги Фуқаролик кодексининг 1021-моддасига мувофиқ, маънавий зарар етказувчи шартлардан бири зарар етказувчининг айби бўлиши шарт эканлиги ҳисобланади.

Маълумки, маънавий зарарни қоплаш тўғрисидаги

ишлар фуқаролик ишлари бўйича судлар томонидан қонун талаби асосида кўриб чиқилиб, ҳал этилади.

Шу ўринда ҳаётий мисолларга мурожаат қилсак, судга даъвогар Н.Мамарасулова жавобгарлар Б.Усаров ва Р.Усаровга нисбатан даъво аризаси билан мурожаат қилган.

Судда аниқланишича, жиноят ишлари бўйича Пахтакор тумани судининг ҳукми билан Бахтиёр Усаров Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилган. Унга нисбатан юриштирилган жиноят иши Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йиғирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори 6-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган.

Ўз навабатида, суд даъвогарнинг маънавий зарарни

етказилгани ҳамда унинг дафн маросимига 8 миллион сўм сарф қилингани қайд этилиб жавобгардан 18 миллион 470 минг 930 сўм моддий ва 20 миллион сўм маънавий зарарни ундириш сўралган.

Судда аниқланишича, жиноят ишлари бўйича Пахтакор тумани судининг ҳукми билан Бахтиёр Усаров Жиноят кодексининг 266-моддаси 2-қисми билан айбдор деб топилган. Унга нисбатан юриштирилган жиноят иши Олий Мажлис Сенатининг 2012 йил 5 декабрдаги "Ўзбекистон Республикаси Конституцияси қабул қилинганлигининг йиғирма йиллиги муносабати билан амнистия тўғрисида"ги қарори 6-бандига асосан ҳаракатдан тугатилган.

Ўз навабатида, суд даъвогарнинг маънавий зарарни

ундириш тўғрисидаги даъво аризасини атрофлича кўриб чиқди. Фуқаролик кодекси ва Олий суд Пленумининг "Маънавий зарарларни қоплаш ҳақидаги қонунларни қўллашнинг айрим масалалари тўғрисида"ги қарори талабларидан келиб чиқиб, жавобгардан даъвогар фойдасига тўрт миллион сўм маънавий зарар ундиришни лозим деб топди.

Хулоса ўрнида шуни айтиш керакки, маънавий зарарни қоплаш миқдори жабрланувчига етказилган жисмоний ва маънавий азобларнинг хусусиятига, шунингдек, зарар етказувчининг айби даражасига қараб, суд томонидан аниқланади. Зарарни қоплаш миқдорини аниқлашда оқилоналик ва адолатлилик талаблари эътиборга олинishi зарур. Шунда маънавий зарарни ундириш юзасидан мурожаат этувчи фуқароларнинг ҳуқуқлари тўлиқ ҳимоя этилиши таъминланади.

Оттабек НАЗАРОВ,
фуқаролик ишлари бўйича Жиззах вилояти суди раисининг ўринбосари

Қадр-қиммати дахлсиздир

Бино куриш билан боғлиқ барча ишларни удралайдиган бу фуқаролар Жамшид ва Ойбек томонидан оғир меҳнатга жалб этилганлари етмагандек, ойлик маошларини ололмай, оворай сарсон бўлишади.

Ака-ука Ҳасановлар эса, курилиш фирмаси томонидан иш ҳақи сифатида ажратилган пул маблағларини ишчиларга бериш ўрнига ўз эҳтиёллари йўлида сарфлаб юборишади. Инсофу диёнати нунутган, ўзгалар ҳақини еишдан қўрқмайдиغان Жамшид билан Ойбек ўзининг жиний фаолиятини давом эттириб, 2012 йил июнь ойида Бухорога келиб, яна бир гуруҳ курувчиларни "1000 АҚШ доллар миқдоридан маош тўланадиган иш бор" дея лақиллатади.

Бу сафар М.Маъмуров, С.Нарзиёв, У.Тоҳиров, Қ.Рўзиёвлар Жамшиднинг алдов тўрига осонгина или-

нишади. Ширин орзулар оғушида хорижга борган бу фуқаролар ўша ерда қарийб 4 ой мобайнида маош олмаган, оғир шароитда ишлаётган ҳамшаҳарларини учратганларидан кейингина ака-ука Ҳасановларнинг лақиллатганларини англаб етишади. Бу йигитлар ҳам Жамшид ва Ойбек томонидан мунтазам равишда таҳқирланади, ҳатто М.Маъмуров билан С.Нарзиёв қаттиқ калтақлангани боис оғир тан жароҳати олади. Мушуқ аҳволда қолган йигитлар нечоғли уринмасин, 2012 йилнинг октябрь ойига қадр гоятда қийин шароитда бир неча биноларда курилиш-таъмирлаш ишларини амалга оширишади. Буни қарангки, Ойбек ва Жамшид Ҳасановларнинг онаси Ҳафиза Ҳасанова ҳам фарзандларини тартибга қақриш ўрнига ўзга юртларда ўз жиянлари — Ш.Ғуломо-

ва ҳамда воёга етмаган Г.Умаровани шундай кўргиликларга мубтало қилганди. Охир-оқибат Ойбек ва Жамшид Ҳасановлар томонидан мушкул аҳволга солиб қўйилган бу фуқаролар 2012 йил октябрь ойида уйларига қайтишга муваффақ бўлдилар.

Албатта, бу ҳаётда ҳар қандай жиний қилмиш жазосиз қолмайди. Жиноят ишлари бўйича Бухоро шаҳар суди томонидан Ҳафиза Ҳасанова ва Жамшид Ҳасановнинг жиноят иши атрофлича кўриб чиқилди ҳамда улар Жиноят кодексининг 135-моддаси 3-қисми, "а" банди ва 168-моддаси 3-қисми "а" банди билан айбдор деб топилди. Ҳар икки айбдорга жазо тайинлашда жабрланувчиларга етказилган зарарларнинг тўлиқ қоплангани инобатга олинди. Дарҳақиқат, қинғир ишнинг қийини

эртами-кечми, албатта, фош бўлади. Ўзгаларнинг ҳуқуқини поймол қилиш эвазига мулкий наф кўришга уринганлар кун келиб қонун олдида жавоб беришга мажбур бўлишади.

Хулоса ўрнида айтганда, хорижда ишлаш истаги бўлган фуқаролар Мехнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирилик ҳузуридаги Ташқи меҳнат миграцияси масалалари агентлигига мурожаат қилишлари гоётда муҳимдир. Зотан, қонуний йўл билан хорижий давлатларга ишлаш учун кетган юртдошларимизнинг ҳуқуқ ва манфаатлари тўлиқ ҳимоя қилинади.

Бобур УМАРОВ,
жиноят ишлари бўйича Бухоро вилояти суди раисининг ўринбосари
Дилфуза РАҲИМБЕКОВА,
"Куч — адолатда" муҳбири

18-noyabr — O'zbekiston Respublikasi

Davlat bayrog'i qabul qilingan kun

Байроғимиз — фахримиз, ғуруримиз!**(Давоми. Бошланиш биринчи бетда)**

Зотан мустақил Ўзбекистонимизнинг байроғи миллий ғуруримиз ҳисобланади. 1991 йил 18 ноябрда "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонун қабул қилинди. Мазкур қонуннинг 2-3-моддаларида давлатимиз байроғи Ўзбекистон Республикаси Давлат суверенитетининг рамзи эканлиги, халқаро муносабатларда Ўзбекистон Республикасининг тимсоли бўлиши эътироф этилди. Ҳозир у жаҳоннинг турли нуқталарида мағрур хилпираб турибди. Айниқса, спорт ареналарида, Ўзбекистон Республикасининг миллий терма жамоалари иштирокидаги халқаро спорт мусобақаларини ўтказиш вақтида ҳамда нуфузли мусобақаларда юртимиз спортчилари голиб шохсумасида турганда байроғимизнинг баланд кўтарилиши қалбимизга фахр-ифтихор туйғуларини бахш этади, кўнглимизни тоғдек кўтарди.

2010 йил 24 декабрда "Ўзбекистон Республикасининг давлат рамзлари ҳақидаги айрим қонун ҳужжатларига ҳамда Ўзбекистон Республикасининг Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонунга биноан "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат мадҳияси тўғрисида"ги қонунлар ва Мазмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексга қатор ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди.

Уларга асосан, "Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғи тўғрисида"ги қонуннинг 4-моддаси турлича қисмидаги "Янги ой ва юлдузларнинг" деган сўзлар "Оқ рангли янги ой ва ўн иккита оқ рангли беш қиррали юлдузларнинг" деган сўзлар билан алмаштирилди. Бу эса, байроғимиз тасвири ҳақидаги тасавурни янада аниқлаштирди. Маълумки, янги ой — мустақиллигимизни, ўн икки юлдуз эса, муқаддас Ватанимизда яшаётган инсонлар ҳамиша қомилликка интилиши ва саодатга элтувчи йўлни танлашини билдиради. Бу жараён бевосита ва билвосита оқ ранг тимсолидаги тинчлик, покликка дахлдордир. Байроғимиздаги оқ ранг — тинчлик рамзи бўлиб, у кун чароғонлиги ва осмон ёриткичлари билан уйғунлашиб кетган. Оқ ранг поклик, эзулик, тоза ният, софликнинг тимсоли. Байроқдаги мовий ранг тириклик тимсоли, яхшилик, ҳалоллик, шон-шухрат, садоқатни билдиради. Яшиллик — Она табиатимиз, жаннатномани юртимиз тимсоли. Қизил чизиклар эса томиримизда жўшиб оқаётган аждодлар қони — ҳаётини қудрат, барқарорлик ва бардавонлик нишонасидир.

Бир сўз билан айтганда, давлатимиз байроғидаги янги ой, юлдузлар, мовий, оқ, яшил ранглар, қизил хошия чизиклар халқимиз ғурури ва келажакка бўлган ишончининг ёрқин ифодасидир.

Қонунчиликка киритилган мазкур ўзгартиш халқимизнинг асрий қарашлари ва ҳаёт фалсафасига асослангани билан аҳамиятлидир.

Мазкур қонунга янги 5¹- ва 5²-моддалар ҳам киритилиб, Давлат байроғи тасвири туширилган белгилардан фойдаланиш тартиби мустаҳкамланди.

Янги 5¹-моддага кўра, Давлат байроғининг тасвири туширилган белгилар Ўзбекистон Республикаси Фуқаро ҳаво кемалари давлат реестри ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат ҳаво кемалари давлат реестрига киритилган ҳаво кемаларига, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Авиация маъмурияти ҳисобида турувчи экспериментал ҳаво кемаларига, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳолларда автоматотранспорт воситалари ва улар тиркамаларининг давлат рўйхатидан ўтказиш рақам белгиларида ҳамда Ўзбекистон Республикасининг асосий чегара белгисига қўйлади. Давлат байроғи тасвири туширилган белгилардан Ўзбекистон Республикасида тегишлиликни белгилаш мақсадида предметларда, ўқув-тарбия жараёнида, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси давлат мукофотларининг элементи сифатида фойдаланилиши мумкин.

Киритилган 5²-моддага биноан, байроғимиз элементлари нодавлат ташкилотлари ҳужжатларининг рекузитлари ёки реклама материалларига киритилишига йўл қўйилмайди, ундан товарларни (ишларни, хизматларни) ўтказиш учун тижорат мақсадларида фойдаланиш мумкин эмас.

Шунингдек, нодавлат нотижорат ташкилотларнинг рамзлари Ўзбекистон Республикасининг Давлат байроғига ўхшаш бўлмағлиги лозим. Қонунчиликдаги бундай ўзгаришлар давлатимиз рамзлари элементларидан хусусий манфаат йўлида фойдаланишнинг олдини олишга хизмат қилади. Асосийси, тарихий ва боқий қадриятларимиз асосида яратилган, халқимизнинг ўтмиши, бугуни ва келажак тимсоли бўлган давлатимиз байроғи ва гербига нисбатан ҳурматни мустаҳкамлайди.

Байроғимиз хонажон ўлкамиз дунёда халқаро ҳамжамиятнинг тенглар ичра тенг аъзоси эканлигини англайди ва ўзида миллий-маданий аъналаримизни мужассамлаштиради. У бизнинг голиблигимиз, ҳеч қимдан кам эмаслигимизни ва асло кам бўлмағлигимизни яққол намоян тимсоли. Демакки, байроғимиз бизнинг ғурур, ифтихоримиздир. Уни эъзозлаш эса, фуқароларда ўзининг қадр-қимматига, ўз мамлакатига ва шахсига бўлган ишончини янада мустаҳкамлайди. Байроғимизнинг баландлиги юртимизнинг обрў-нуфузи юксаклигини далолатдир. Шундай экан, сарбаланд қаддимиз ва қадримиз тимсолини ҳамиша эъзозлаш ва бошимиз узра баланд кўтарайлик!

Улуғбек АСРОРОВ
ёзиб олди.

ДИҚҚАТ, TANLOV!

"ЖАМИЯТ ВА МЕН — 2013"

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат но-тижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда Журналистлар ижодий уюшмаси билан ҳамкорликда республикадаги босма ва интернет нашрлар, ахборот агентликлари журналистлари ва фотожурналистлари учун "Жамият ва мен — 2013" танлови ўтказилишини эълон қилади.

Танловга жамият учун муҳим аҳамиятга эга, мамлакатимиздаги ижтимоий-сиёсий, социал-иқтисодий, маърифий-маданий, ҳуқуқий соҳалардаги ислохотларнинг бориши, жамиятнинг фаол аъзолари ташаббусларини бир-лаштириш, фуқаролик жамияти институтлари фаолияти, тадбиркорликни ривожлантиришга йўналтирилган дастурларнинг амалдаги ижросига қаратилган ижодий ишлар қуйидаги йўналишлар бўйича қабул қилинади.

Танлов йўналишлари

Танлов қуйидаги 10 та номинациялар бўйича ўтказилади:

- "Юксак маънавият жамият пойдевори" мавзудаги энг яхши материал;
- "Таълим тизими ислохотлари журналист нигоҳида";
- "Соғлом ёшлар — келажақ пойдевори" мавзудаги энг яхши материал;
- "Фермерлик — имконият ва истиқболлар" мавзудаги энг яхши материал;
- "ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолияти" тўғрисидаги энг яхши материал;
- "Соғлом она — соғлом бола" мавзудаги энг яхши материал;
- энг яхши журналист текшируви;
- интернетдаги энг яхши мақола;
- энг яхши фоторепортаж;
- йил дебути (талаба-журналистлар учун).

Танлов шартлари

Танловга эътибор берилган ишлар босма ва интернет нашрларда 2013 йилнинг 1 январидан 1 декабрга қадар чоп этилган бўлиши шарт.

Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Танловга материаллар 2013 йил 10 декабрга қадар қабул қилинади.

Танлов қўраблари 2013 йил якунида ташкилотчилар томонидан ўтказилади-ган нуфузли тадбирда эълон қилиниб, тақдирланади.

"ИНСОН ҲУҚУҚЛАРИ ЖУРНАЛИСТ НИГОҲИДА"

Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Омбудсман, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Фуқаролик жамияти шаклланишини мониторинг қилиш мустақил институти, Журналистлар ижодий уюшмаси, Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги билан ҳамкорликда мамлакатимизда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлаш мақсадида амалга оширилаётган демократик, социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ислохотларни янада чуқурлаштириш жараёни босма оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилишини ташкил этиш, журналистларнинг жамиятдаги фаолигини ошириш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида "Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида" мавзудаги ижодий танловни эълон қилади.

Танлов Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат но-тижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди кўмағида ўтказилади.

Танлов шартлари

Танловга 2013 йилнинг 1 январидан 2013 йилнинг 1 декабрга қадар республика босма оммавий ахборот воситалари ва интернет нашрларида эълон қилинган, Инсон ҳуқуқлари бўйича умумжа-ҳон Декларацияси, мамлакатимизда инсон ҳақ-ҳуқуқларини таъминлашга қаратилган қонун ҳужжатларининг мазмун-моҳияти ва уларнинг амал қилиши, инсон ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилишни таъминлаш, шахсни ҳар томонлама камол топтириш, ёшларнинг демократик фуқаролик жамияти барпо этишда фаол иштирок этиши учун зарур социал-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий шартлар яратишга қаратилган мавзуда-ги ахборот-таҳлилий, публицистик ва фото материаллар қабул қилинади.

Танловга тақдим этилган материаллар мамлакатда фаолият олиб бораётган босма оммавий ахборот воситалари, интернет нашрларда чоп этилган бўлиши лозим.

Тақдим этилган материаллар ўзбек, рус ва қорақалпоқ тилларида тайёрланган, эълон қилинган босма ёки интернет нашри аниқ кўрсатилган электрон ва матбуот нусхада бўлиши керак. Фоторепортажлар асл нусхада тақдим этилади. Ижодий ишларга муаллиф тўғрисида (фамилияси, исми, профессионал

фаолияти тўғрисида қисқача маълумот, паспорт нусхаси) маълумотлар илова қилинади.

Ғолиблар Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси миллий маркази, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Инсон ҳуқуқлари бўйича вакили (Омбудсман), ҳуқуқшунос олимлар, малакали экспертлар ва ҳуқуқий мавзуга ихтисослашган журналистлардан таркиб топган ҳакамлар ҳайъати томонидан аниқланади.

Танлов ғолибларига мукофотлар

Ғолиблар диплом ва компьютер жамланмасы, телевизор, планшет ва бошқа қимматбаҳо совғалар билан тақдирланади.

Материаллар "Инсон ҳуқуқлари журналист нигоҳида" мавзудаги ижодий танловга" деган қайд билан Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фондида 2013 йил 5 декабрга қадар қуйидаги манзилга жўнатилади: **Тошкент шаҳри — 100129, Навоий кўчаси, 30-уй, 3-қават, 1-хона. Тел./факс: 244-14-28, 244-12-51, www.mmf.uz, e-mail: mmfuz@inbox.uz, fonduz@umail.uz.**

Ташкилий кўмита

Бош муҳаррир: Шодикул ҲАМРОЕВ

Газета 2007 йил 23 февралда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0224-рақам билан рўйхатдан ўтган.



ТАХРИР ҲАЙЪАТИ:

Бўритош МУСТАФОЕВ
Шоюнус ГАЗИЕВ
Кўчкор ТОҒАЕВ
Русланбек ДАВЛЕТОВ
Мавжуда РАЖАБОВА
Зарифжон МИРЗАКУЛОВ

Омонбой ОҚДОРОВ
Холмўмин ЁДГОРОВ
Икром МУСЛИМОВ
Файрат ХИДОЯТОВ
Арислон УСМАНОВ
Бобомурод РАЙИМОВ

Навбатчи муҳаррир:

Сардор
ҲАМРОЕВ
Саҳифаловчи:
Шерзод
ХАЙРУЛЛАЕВ

Ғаройиб олам

Ҳаётда шундай кишилар ҳам учрайдики, улар ўзларининг ғайриоддий қобилияти билан кўпчиликни ҳайратга солади.

Биз билган ва билмаган дунё



НОЁБ ҚОБИЛИЯТ ЭГАЛАРИ

Аслида бундай кишилар ташқи кўринишидан ҳеч кимдан фарқ қилмайди. Мазкур ғайриоддий жараёнларни зимдан кузатган киши инсон қобилиятининг чексиз имкониятлари ва ҳали очилмаган қирраларини ўзи учун кашф этади.

Масалан, Колумбиянинг Арена шаҳри аҳолиси 16 ёшли Фульхенсио Аугусто Мендересни ўзгача эътибор билан қадр-лашади. Бу йигитча ўз ҳамшаҳарларини қандай қобилияти билан қойил қолдирган экан, деб ўйлаётгандирсиз. Мендереснинг бўйи 177 сантиметр, вазни 70 кило бўлгани ҳолда, ўта эгилувчан ва ажир. Шунингдек, у бемалол 50 литрли сув идишга сифади, гавдасини шар ҳолатига келтиришда эса ҳар қандай томошабин ҳайратдан лол қолади. Бу ҳали ҳаммаси эмас, у худди мушук сингари диаметри атиги 12 сантиметр бўлган тешикдан ўтганига нима дейсиз?!

Хитойнинг Хуна вил-ютида истиқомат қилувчи Чан Сунфа эса, кечаси ҳам худди кундузгидек кўриш қобилиятига эга. Бироқ кўпчилик бунга ишонмасди. Мамлакатнинг машхур шифокорларидан иборат комиссия ноёб қобилиятли дехқонни синчиқлаб текширувдан ўтказиб, шундай хулосага келишди: "Дарҳақиқат, Чан Сунфа кечаси ҳам худди кундузгидек юз фоз кўра олади".

Италиялик Д.Кадруччи баъзи пайтларда кўрсаткич бармоғи оғриб қолади. Бу оддий воқеадан сўнг ҳар гал ғаройиб ҳодиса содир бўлади — Этна вулкони отилади ва маҳаллий аҳолига катта ҳафс солади.

Кадруччи Жар шаҳрида, шундоққина тоғ эта-ғида яшайди. Шунинг учун ҳам у ўз "индикатори"ни бир неча марта синаб кўришга мушарраф бўлган. Бир куни унинг шу бармоғи яна жуда қаттиқ оғриб қолган ва Кадруччи ҳеч қиланмай вулқон хатари ҳақида шахар ахлини оғохлантирган. Мутасаддилар ҳар эҳтимомга қарши, деб аҳолини хавфсиз жойга кўчиришган. Буни қараганда, бу чора айни вақтида кўрилган тадбир экан. Аниқроқ айтганда, орадан бир неча соат ўтгач, ҳақиқатан ҳам, дахшатли вулқон уйғониб, олов оқими шахар устига ёпирилган.

Мутахассислар бу фа-вуллода ноёб қобилият сабабини ҳали аниқлай олганларича йўқ.

Ливан жанубида исти-қомат қилувчи Муҳаммад

Абдуллоҳ ҳам ҳайратомуз қобилиятга эга. Гап шун-даки, у 1,5 метр узунли-даги 2 та металл ва қўл соати ёрдамида қаерда "тирик" ерости суви борлигини аниқлай олади. У шу антиқа қўлбола соати ёрдамида ҳатто булоқнинг чуқурлигини ҳам бехато айтиди. Бу ҳол янада галати: у соатни илға осоди ва юрагига кулоқ солади. Юрак уру-ши унга булоқ неча метр чуқурликка эканлигини пинҳона — фақат ўзига "айтиб" беради. У шу кўйи қишлоқдошларига бир қанча булоқ кўзини топиб берган.

Кўзбойлогичларнинг шар ютиши ҳозир ҳеч кимни ҳайратга солмай қўйди. Бироқ оддий одам темир шар ютса-чи? Албатта, бу ҳол кишини ҳайратга солмай қолмайди.

Жанубий Африканинг Биттерфонтейн шаҳрида истиқомат қилувчи Гре-гори Улкинсоннинг ош-қозони тошни ҳам талқон қилиб юборар экан. Гап шундаки, у 2,5-3 сан-тиметр ҳажмдаги пласт-тик ва целлюлоидли шар-ларни бемалол ютиб юборади.

Дарвоқе, шарларни ютгач, дўхтирлар унинг ошқозонини рентгендан ҳам ўтказишган. Аниқла-нишича, унинг ошқозони ҳали фанга номаълум бўлган ўта ғайритабиий куч билан шарларни май-далаб ташлаб, организм учун безарар аҳволга кел-тирар экан.

Варшавалик Альфред Элерт аслида математик. Бироқ у ажойиб қоби-лиятга эга хаваскор ти-кувчи ҳам саналади. Гап шундаки, у ҳаёти даво-мида буюртма бўйича тиккан костюм-шимлар-дан ақали биронтасини миждозининг бўй-баста-ни ўз қўли билан ўлчаб тикмаган. Аниқроғи, унинг услуби бағоят ғай-риоддийликки, бунга кўз қўриб, кулоқ эшитмаган янгилик деса ҳам бўла-ди. У фақат миждозининг оғирлигини, бўйини, елка кенлигини ва бел айла-насини сўрайди, холос. Ҳеч қачон матони аввал бичиб, сўнгра кийдириб қўриб, тикмайди.

Альфред хатто телефон орқали ҳам буюртма ола-ди. Шунда буюртмачидан юқоридаги каби тегиш-ли оғирлик ва ўлчов бир-ликларини сўрайди. Кос-тюм-шим тайёр бўлгач, миждозига беради ва, ал-батта, буюртмачи кийим ўзига мос тушганидан хурсанд бўлади.

Интернет материаллари асосида Шахло ХУДОЙБЕРГАНОВА тайёрлади.

Куч — адолатда

МУАССИС:

Ўзбекистон Республикаси Олий суди

Газета «Шарк» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмаҳонасида офсет усулида босилди. Босмаҳона манзили: Тошкент шаҳри, Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Манзилми: Тошкент шаҳри, А.Қодирий кўчаси, 1-уй. E-mail: kuch-adolatda@mail.ru

Тел.: (8 371) 239-02-54, 241-01-56

Буюртма: Г-1116. Қўғоз бичими: А-2. Ҳажми 2 босма табақ, Сотувда эркин нархда. Адади: 6218.

1 2 3 4 Топшириш вақти: 21⁰⁰ Топширилди: 21³⁰